O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 9 октябрь, № 197 (4607) Пайшанба



## МИНТАҚАДА ЯГОНА АВТОМОБИЛЬ КЎРГАЗМАСИ

***Ўзбекистон — Марказий Осиёда енгил ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган биринчи давлат. Бугунги кунда «Ласетти», «Нексия», «Матиз» сингари ўзбек автомобилларини билмаган мамлакат жуда кам қолди. Чунки бу русумдаги автоуловлар ўзининг юқори сифати, қулайлиги ва бошқа кўпгина кўрсаткичлари билан ташқи автомобиль бозорида тобора харидоргир бўлиб бормоқда.***

**Ҳамкорлик**

Узоққа бормайлик, жорий йилнинг биринчи ярмида Асакадаги автомобиль заводида 90,2 мингтадан зиёд енгил машина ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг 54,4 мингтаси дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинди. Бундан ташқари, «Самавто» корхонасида йиғилаётган «Исузу» автобусларининг салмоқли қисми хорижга сотилди.

Халқаро мутахассислар мамлакатимизда машинасозлик саноати жадал ривожланаётгани, бунга жуда қисқа давр ичида эришилганини эътироф этишмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири — автомобиль саноати тараққиётнинг янги босқичига чиқди. Илгари автомобиллар бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг асосий қисми четдан келтирилган бўлса, айни пайтда Маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан улар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимизда бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг вужудга келиши, хориж инвестициясини тармоққа жалб этишда ихтисослашган кўргазмалар катта роль ўйнамоқда. Нега деганда, бу анжуманлар доирасида мамлакатимиз машинасозлик салоҳияти намойиш этилибгина қолмай, хориж тажрибаси ўрганилади, янги ҳамкорлар топилади.

(Давоми 2-бетда).



## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий ҳамда Хоразм вилоятлари аҳолиси эндиликда "eKarmon" интернет-тўловлари тизимида рўйхатдан ўтган электрон рақамли имзо сертификатларини олиш имкониятига эга бўлди.***

### Электрон рақамли имзо шохобчалари

"eKarmon Group" компаниясининг маълумотига кўра, ушбу ҳудудларда электрон рақамли имзо сертификатларини олиш учун идентификация қилиш, шунингдек, "eKarmon" тизимида электрон кармон ҳисобини тўлдириш бўйича агентлик шохобчалари очилган.

Сертификати "Multisoft Solutions" компанияси қошидаги Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази томонидан бериладиган электрон рақамли имзо Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ қўл билан қўйилган имзога тенглаштирилган. Бу эса электрон ҳужжатнинг муаллифлик ҳуқуқини ва унинг ҳақиқийлигини таъминлайди, ахборотнинг махфийлиги ва хавфсизлигини кафолатлайди. Айни пайтда электрон рақамли имзо шартнома, битим, ҳисобот каби турли ҳужжатларни расмийлаштириш, алмашиш жараёнида вақтни, шунингдек, операцион сарф-харажатларни тежаш имконини беради.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Яқинда Бирлашган Араб Амирликларидан Қорақалпоғистонга рентген аппарати ўрнатилган махсус автомашина ва ускуналар олиб келинди.***

### Эл саломатлиги йўлида

Қиймати 300 минг АҚШ доллари бўлган ушбу янги техника сил касаллигига қарши курашиш диспансери ихтиёрига топширилди.

— Кўчма рентген автоускунаси Нукус шаҳри маркази, Қоратов шаҳарчаси, Тошлоқ овули аҳолисига бепул тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди бош шифокор Дарибой Дошетов. — Ҳозиргача 2300 нафардан зиёд аҳоли мазкур хизматдан фойдаланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Хоразм вилоятида касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

### 557 миллион сўмлик маҳсулот

Жорий йилнинг 9 ойида йирик ва кичик саноат корхоналарида 3374 та касаначилик иш ўринлари яратилди.

Улар томонидан йил бошидан буён 557 млн. 93 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Янгиер шаҳрида 12 нафар ёш оилага янги уйлар калити топширилди.***

### Ёш оилаларга туҳфа

Энди улар барча қулайликларга эга бўлган 2 ва 3 хонали хонадонларда истиқомат қила бошлайди.

18 та оила истиқомат қилиши кўзда тутилаётган иккинчи уй эса ноябрь ойининг биринчи ярмида фойдаланишга топширилади.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банки кўмагида амалга оширилаётган "Саломатлик-2" лойиҳаси дастури доирасида Наманган вилоятида қишлоқ шифокорлик пунктларида фойдаланиш учун 9 та "Дамас-амбуланс" автомашиналари сотиб олинди.***

### Қишлоқ шифохоналарига автомашиналар

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жиҳозлари билан таъминланган ушбу махсус автомобиллар қишлоқ шифокорлик пунктларининг чақирувига жавобан зудлик билан манзилларга етиб боради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ташриф**

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Вьетнам Социалистик Республикаси Халқ йиғинининг ижтимоий масалалар бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари, "Вьетнам-Ўзбекистон" дўстлик жамияти раиси Лионг Фан Ку раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашига ташриф буюрди.***

## ВЬЕТНАМ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

"Ўзбекистон-Вьетнам" ва "Вьетнам-Ўзбекистон" дўстлик жамиятлари икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маданий-маърифий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Вьетнам делегацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди.

— Ўзбекистон улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Лионг Фан Ку. — Бу ерда олий таълим муассасаларида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган талабалар таълим олган. Мен ҳам Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олганман. Истиқлол йилларида мамлакатингизда бошқа жабҳалар қатори таълим соҳасида ҳам амалга оширилган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини кўриб, беҳад қувондим. Вьетнам Ўзбекистон билан барча йўналишларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

**(ЎзА).**

## ОЛИМЛАР КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТМОҚДА

***Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида Ёшлар йилига бағишланган "Полисахаридлардаги нанотузилмалар: шакллантириш, тузилма, хусусиятлар, қўллаш" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади. Унда янги моддалар ва материалларни яратиш мақсадида ўтказилаётган фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар натижалари, ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама этилди.***

**Конференция**

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва мазкур институт томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги академик институтлар ва олий ўқув юртларининг етакчи тадқиқотчилари, Исроил, Қозоғистон, Россия ва Тожикистондан таниқли олимлар иштирок этмоқда.

Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик С. Рашидова анжуманни очар экан, Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз илмий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва юксалтиришга қаратаётган эътибори туфайли олимларимиз учун инновация фаолиятини ривожлантириш ҳамда дунё миқёсида катта аҳамиятга эга илмий натижаларга эришиш йўлида барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади.

Наноҳажмли тузилмаларни ўрганиш ва шу асосда олдиндан белгиланган хусусиятга эга материалларни яратиш учун нанотехнологияларни ишлаб чиқиш бугун дунёда замонавий илм-фаннинг, жумладан, Ўзбекистонда ҳам истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай ноёб материаллар турли соҳалар — саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтикада кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизда бу борадаги илмий ишлар даражаси ниҳоятда юқори бўлиб, бутун дунёда тан олинмоқда. Ўзбекистон илм-фанининг обрўси, унинг салоҳияти каби, хорижда тобора ортиб бормоқда. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Тоҳир Орипов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Раҳим Тиллаев, Нанотехнологиялар бўйича халқаро тадқиқот маркази директори Олег Фиговский (Исроил) ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Полимерлар кимёси ва физикаси институтида нанотузилмаларнинг бу каби технологияларини барпо этиш ва олдиндан белгиланган хусусиятларга эга полимер материалларнинг янги авлодини, жумладан, полисахаридлар асосида яратиш борасида қатор йиллардан буён муваффақиятли тадқиқот олиб борилмоқда. Улар асосан маҳаллий табиий хом ашё ва ундан олинадиган моддалар, жумладан, полисахаридлар сирасига кирадиган хитин, хитозан, целлюлозадан яратилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, қишлоқ хўжалиги учун экологик хавфсиз ҳимоя воситалари, ўсимликлар ўсишини тартибга солувчи ва тезлаштирувчи моддалар, уруғларни капсулалаш технологияси ишлаб чиқилди. Табиий полимерлардан бир қатор самарали доривор препаратлар яратилди. Институт лабораторияларида синтезланган янги полимерлардан қурилиш материаллари, пайвандлаш электродлари, қоғоз ишлаб чиқаришда, кимё, озиқ-овқат саноатида фойдаланилмоқда. Ушбу йўналишлар, чунончи, ўта мустаҳкам композиция материалларини яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда, тадқиқотлар мавзуси мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг аниқ эҳтиёжларига қаратилган.

Бу борада йирик хорижий илмий марказлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилди, ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бундай ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, тажриба алмашиш зарурлиги қайд этилди. Икки кун давом этадиган ушбу конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз томонидан уларнинг тадқиқотлари давомида олинган натижалар жуда қизиқарли ва катта инновация истиқболларига эга, — дейди Россия Фанлар академияси Макромолекуляр бирикмалар институти профессори Сергей Бронников. — Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академияси ва Россия Фанлар академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. Ушбу шартнома доирасида, жумладан, янги полимер тузилмаларни яратиш соҳасида ҳам олиб бориладиган қўшма тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилмоқда. Бундай ҳамкорлик нафақат фундаментал илм-фанни ривожлантириш, балки мамлакатларимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Маълумки, 2008 йил 5 октябрь куни Ўш вилоятининг Олой туманидаги Нура қишлоғида рўй берган зилзила оқибатида Қирғизистон Республикаси жиддий зарар кўрди. Оғир йўқотишлар бор — 74 киши, асосан болалар ҳалок бўлди.***

## ҚИРҒИЗИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ушбу табиий офат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зилзиладан зарар кўрган Қирғизистон Республикаси аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда, биринчи навбатда, Ўш вилоятининг зилзиладан вайрон бўлган Олой туманига турли қурилиш материаллари, хусусан 120 тонна цемент етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур туманга қиймати 200 минг доллардан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, 60 тонна ун, бир тонна ўсимлик ёғи, кўрпа-тўшак, кийим-кечаклар, болалар кийимлари ва бошқа энг зарур товарлар жўнатилади.

Инсонпарварлик юкини етказиб бериш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилди.

**(ЎзА)**

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 июнда қабул қилинган «2007-2011 йиллардаги даврда ёғ-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тармоқ корхоналари техник ва технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

**Қарор ва ижро**

Бу эса, ўз навбатида, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бераётир.

Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноати» акциядорлик жамиятида амалга оширилган модернизация тадбирлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Корхонага замонавий технологиялар ўрнатилиши чигитни қайта ишлаш ҳажми ва сифатини ошириб, харажатларни сезиларли

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ДОРИВОР ПРЕПАРАТЛАР ЭКСПОРТИ ОШМОҚДА

***2008 йилнинг биринчи ярмида "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик компанияси корхоналарида доривор препаратлар экспорти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан***



**1,5**

**баравардан зиёд ортди.**



Тизимда модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватлари оширилгани, янги лойиҳалар ишга туширилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

***Истиқлол йилларида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Гап ана шу ўзгаришу ўзига хос янгиланишлар ҳақида бораркан, албатта, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳақида тўхталмай иложимиз йўқ.***

Мана шу ўтган давр ичида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг миқёсли ўзгаришлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми — суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланишига қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилди. Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил амалда ўз ифодасини топди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилди.

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида судларнинг жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослашуви барқарорлик касб этди. Иш кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди. Суд жараёнида ҳимоя ва айблов томонлар тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди. Дастлабки суриштирув ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари эса қисқартирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонида белгилаб қўйилди. Унда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача ўтказиладиган суриштирув босқичида суднинг фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари ўз ифодасини топди.

Ушбу Фармоннинг жорий йил бошидан кучга кириши тарихий воқеа бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, тизимда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни сифат босқичига кўтарди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида фуқаролар ҳуқуқий ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу — терговчи ва прокурорнинг эҳтиёт

### Истиқлол ва ислоҳот

чораси сифатида қамоққа олишни танлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ушбу ҳуқуқий меъёр мамлакатимиз Конституциясининг 19- ва 25-моддаларида белгиланган адолатли қоидаларнинг амалий ифодаси бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият сифатида дахлсизлигини кафолатлайди. Бундай тартиб халқаро ҳуқуқий меъёрларга ҳам мос келади.

Маълумки, шахсни қамоққа олиш унинг эркинлигини чеклайди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса шахснинг эркинлигини чеклаш масаласини очиқ суд жараёнида ҳал қилиш имкониятини яратади. Бунда гумон қилинувчи, унинг адвокати, прокурор ва бошқа манфаатдор томонлар қатнашадилар. Бу тергов жараёнида гумон қилинаётган шахс эркинликларининг ҳуқуқий кафолатига тўла асос бўлади.

Ҳаётимиз қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги афзалликларини кўрсатмоқда. Жумладан, судгача терговни эркинлаштириш, ўз навбатида, одил судловнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатларини кенгайтириш имкониятини яратмоқда. Шунингдек, судгача тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш шароити вужудга келди. Ҳокимият бўлиниши принципи ҳам тўла таъминланди ва жиноятни очиш, тергов жараёнларида прокурор ва адвокатнинг мавқеи тенглаштирилди.

Ҳозирда, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судида ҳам ушбу ҳужжат талаблари тўлиқ бажарилаяпти. Йил бошидан буён вилоят бўйича судлар томонидан 398 нафар шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилди. Шу юзасидан тушган илтимосномаларнинг 14 таси рад этилган бўлса, 2 таси тергов органи томонидан қайтариб олинди. Шу давр мобайнида айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтиришга доир 11 та илтимоснома ҳам қаноатлантирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга, фуқароларнинг эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Раъно КАМАЛОВА,**
**Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судьяси.**

# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

***"Халқ сўзи" газетаси муштарийлари саволларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Анвар АҲМЕДОВ жавоб беради.***

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

**— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш қайси органлар ваколати ҳисобланади?**

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

**— Ушбу сиёсий тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи ҳам ташкил этиладими? Уларнинг таркибига кимлар киради?**

Юқорида номи зикр этилган Қонуннинг 11-моддаси бўйича фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилади.

**— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нималардан иборат?**

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига биноан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари қанча муддатга сайланади?**

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

**Алишер БОЛИЕВ**
**ёзиб олди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

камайтирди. Жумладан, янги 154 дона конденцат ускунаси мазут ёнилғисини тежашда қўл келмоқда. Корхона бир йилда 2 минг тонна мазутни, бошқача айтганда, 950 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконига эга. Илгари корхонада эски технология ёрдамида бир соатда ўртача 1100-1800 дона идишга ўсимлик ёғи қадоқланган бўлса, янги ускуналар

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

бир соатда ўртача 6 минг дона идишга маҳсулот қадоқлаб бераётир. Замонавий электрон тарозилар ёрдамида ҳисоб-китоблар аниқ юритилмоқда.

Цехларни технологик қайта янгилаш туфайли акциядорлар ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортди. Ўтган йили 20 минг тоннадан ортиқ ўсимлик ёғи, 95 минг тоннага яқин кунжара ва шелуха, уч минг тоннадан ортиқ хўжалик совуни ишлаб чиқарилди. Даромад ҳам шунга яраша салмоқли бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 14 минг тоннадан ортиқ ўсимлик ёғи истеъмолчиларга етказиб берилди. Бошқа турдаги маҳсулот тайёрлаш режалари ҳам ошиғи билан бажарилиб, 600 миллион сўмдан зиёд фойда олинди. Корхонанинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ишчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ана шу мақсадда корхона қошида саломатлик маркази барпо этилди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МИНТАҚАДА ЯГОНА АВТОМОБИЛЬ КЎРГАЗМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида муҳим тадбир — «AutoMotorShow Uzbekistan — 2008» 5-Халқаро Ўзбекистон автомобиль кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» ва Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Россия Федерацияси Автомобиль бутловчи қисмлари ишлаб чиқарувчилари миллий уюшмаси ҳамкорлигида «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Очилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур халқаро анжуман Марказий Осиё минтақасидаги ягона ихтисослаштирилган автомобиль кўргазмасидир. Шу боис у нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатларнинг автобозорида ҳам савдо ҳажмлари ошиши ва тармоқда янги йўналишлар вужудга келиши учун имконият яратади.



Бешинчи бор ўтказилаётган тадбирда маҳаллий корхоналардан ташқари, Озарбойжон, Германия, Қозоғистон, Хитой, Корея, Қирғизистон, Польша, Россия, Япония каби чет давлатларнинг 30 дан ортиқ фирма ва компаниялари маҳсулотлари билан иштирок этаяпти.

Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазма мавзу жиҳатдан бу гал эҳтиёт қисмлар, техник хизматлар кўрсатишда қўлланувчи товар ва технологияларга ихтисослашгани кўплаб янги корхоналарни Тошкентда учраштириш имконини берди. Улар орасида жаҳон автобозорида машҳур «IHR Group» (Германия), «Zen Trax Inc.» (БАА), «E.S. Brake» (Жанубий Корея), «GS Yuasa» (Япония) компаниялари ҳам бор.

— Ўзбекистонга биринчи бор ташриф буюришимиз, — дейди биз билан суҳбатда Япония «GS Yuasa» компаниясининг маркетинг бўлими бошлиғи Машихо Мураки. — Лекин яхши биламизки, юртингизда машинасозлик саноати жадал ривожланмоқда. Буни Япония ишбилармонлари ҳамкорлигида Самарқандда «Исузу» автобуслари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Биз яқин муддатда Тошкент шаҳрида компаниямизнинг "Савдо уйи"ни очишни режалаштирганмиз. У орқали турли русумдаги юқори сифатли аккумуляторларни ўзбекистонлик автомобилсозларга етказиб берамиз.

Халқаро кўргазма 11 октябргача давом этади.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазма ишидан лавҳалар.

**Б. АКРАМОВ ва Ҳ. ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

# ШИРИН ЁЛҒОНЛАРГА УЧМАНГ

***Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграцияси борасида фуқароларимизнинг хорижда меҳнат қилишини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилган. Ўтган давр мобайнида минглаб кишилар ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда хорижий давлатларда ишлаб, тажриба ва кўникмаларини орттиришга муваффақ бўлдилар.***

***Бироқ айрим юртдошларимиз хорижда ишлашнинг қонуний йўллари бўла туриб, ноқонуний тарзда чет элга бориб ишлашга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Бундайлар эса деярли барча ҳолларда фирибгарларнинг тузоғига тушиб, одам савдосининг қурбонига айланмоқда.***

Одам савдоси жиддий муаммо сифатида дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан эътиборан у МДҲ мамлакатларига ҳам ёйила бошлади. Дунё бўйича турли манбаларда одам савдосидан жабр кўрганлар 30 миллиондан 200 миллионгача кўрсатилади. БМТ маълумотларига кўра эса, ҳар йили дунёда ўртача 2,7 миллион киши ушбу қабиҳ жиноятнинг қурбони бўлмоқда.

Одам савдосининг тегирмонига сув қуяётган асосий омиллардан бири — одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Мўмай даромад илинжида эркаклар оғир жисмоний меҳнатларга ёлланмоқда, аёллар эса худди чўри каби рўзғор юмушларида ишлатилмоқда, энг фожиалиси, жинсий эксплуатация қилинмоқда. Шунингдек, қулликка солинганлардан одам аъзолари трансплантациясида донор сифатида фойдаланиш ҳоллари учраб турибди.

Умуман, одам савдосини яхлитлигича замонавий қуллик деб аташ мумкин. Тобе қилиш кўпинча «ўлжа»нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйишдан бошланади. Оқибатда у бегона юртда ҳеч кимга арз қилолмай, нажотсиз қолади. Ўз хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, «хўжайин» буюрган ишларни бажаради, вазиятни ўзгартира олмайди.

Замонавий қулликка хос жиҳатлар сирасига, шунингдек, қотиллик, одам ўғирлаш, чегарадан ноқонуний ўтиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби ҳолатлар ҳам тегишлидир.

Одам савдоси объектига айланаётганларнинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқлари қўпол равишда бузилади, соғлиғига жиддий путур етади. Бундан ҳам ачинарлиси, улар ўзга давлатларда ноқонуний ишлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин.

Устига устак, турли зўравонликларга дучор бўлиб юртига қайтган аёлларга, яъни траффик қурбонларига атрофдагилар салбий назар билан қарайди. Уларни жамият учун хавфли ёинки умуман зарарли деб билиш турмушининг қайтадан изга тушиб кетишига йўл бермайди.

Бугунги кунда одам савдоси муаммоси бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айрим нопок кимсалар шахсий манфаатлари йўлида ўз ҳамюртларининг эрки, шаъни, ор-номусини оёқости қилишдан ҳам тап тортмаётгани ғоят ачинарлидир.

Ўзбекистонда бундай қабиҳ жиноятга қўл ураётганларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, одам савдосининг олдини олиш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, фуқароларимизни бу балодан ҳимоя қилиш ва огоҳ этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, одам савдосига дучор бўлаётганларни ҳимоялаш ишини такомиллаштиришга, уларга ёрдам кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Одам савдосига қарши курашда хотин-қизлар қўмиталари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманлари бандлик марказлари ходимлари учун одам савдосининг олдини олиш, ноқонуний меҳнат миграциясига йўл қўймаслик, турли жисмоний ва юридик шахслардан чет элда ишлаш бўйича бўлаётган таклифларни аниқлаштириш ҳамда бу масалаларда аҳолининг кенг қатламлари орасида тушунтиришлар бериш мақсадида семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Зеро, аҳолини одам савдоси, аёллар траффиги ҳақида аниқ, батафсил ва ишончли ахборот билан таъминлаш катта натижа беради.

Юқорида айтилганларни назарда тутиб, яна бир бор эслатиб ўтамиз:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли Қарорида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида уларни чет элга ишга юбориш ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ҳамда Қарши минтақавий бюроларининг кўмагида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, вазирликнинг тасарру-

### Огоҳлик

фий ташкилотларидан бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан мазкур хизматларни кўрсатишга ваколат берилмаган.

Шунингдек, фуқароларимиз хусусий меҳнат шартномалари бўйича Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар асосида чет элларда меҳнат қилишлари мумкин. Бунда фуқаронинг чет элларда ижтимоий муҳофазада бўлишини таъминлаш мақсадида хорижий фирма (иш берувчи) дан олинган, давлат тилига таржима қилинган, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кафолатланган, иш вақти, ойлик маоши, иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун қўшимча тўлов, шунингдек, меҳнат визаси билан таъминлаш борасида иш берувчининг мажбурияти назарда тутилган ҳолда нотариал тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан легализация қилинган контракт нусхаси тақдим этилиши керак.

Агентлик томонидан берилган рухсатнома билан меҳнат контракти асосида чет элга кетган фуқаро ишга жойлашиш мамлакатида Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида ҳисобда туриши шарт. Республиканинг вакиллик органлари бўлмаган тақдирда Ўзбекистон фуқаролари МДҲ мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан вакил қилинган консуллик органларида рўйхатдан ўтадилар.

Мамлакатимиз фуқароларини чет элларда меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2006 йилнинг март ойида илк бора вазирлик ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида «Бандликка рухсат бериш тизими (эркин ёллаш тизими) бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжат орқали фуқароларимиз учун Корея Республикасига эркин ёллаш тизими бўйича ишга бориш имконияти яратилди. Унга кўра, республикамиз фуқароларини Кореянинг етакчи корхоналарига бевосита ишчи мақомида ишга жойлаштириш ҳамда маҳаллий ишчилар сингари барча меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу меморандум талабларидан келиб чиқиб, унинг ижросини таъминлаш борасида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан республикамиз фуқароларини Корея Республикасида ишга жойлаштириш бўйича ўтган 2007 йил давомида икки маротаба корейс тилидан тест синовлари ўтказилди. Мазкур тест синовларидан 5028 нафар фуқаро муваффақиятли ўтди. 2008 йил 24-25 май кунларида ўтказилган тест синовларидан эса яна 5103 киши ўтди. Шу кунга қадар 3 минг нафардан ортиқ фуқароларимиз Корея Республикасига меҳнат қилиш учун юборилдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. 2007 йил июль ойида Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерацияси ва Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти ва меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги битимнинг имзоланиши мамлакатимиз фуқароларининг Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириш масалаларида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Мазкур битим фуқароларимизнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши кафолатлангани билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда агентлик ҳамда унинг Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши минтақавий бюролари томонидан Россиянинг бир қатор иш берувчилари ва уларнинг вакиллари билан тузилган икки томонлама шартномалар асосида фуқароларимизни мазкур мамлакатга ишга юбориш амалга оширилмоқда.

2008 йил сентябрь ойи ҳолатига мазкур бюролар томонидан Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Омск, Мурманск, Уфа шаҳарларига, Ленинград, Ростов, Саратов, Белгород, Владимир каби вилоятларига минг нафардан зиёд республикамиз фуқаролари ишга юборилдилар. Улар қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ишга жойлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда, Россия Федерациясининг етакчи ҳудудларида жойлашган иш берувчилар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси жорий йилда Польша билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, қурилиш соҳасида турли мутахассисларни меҳнат қилиш учун юбормоқда.

Айни пайтда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Италия сингари мамлакатлар билан ҳам бу борада музокаралар ўтказилмоқда.

Юртимизда хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган фуқаролар учун етарли шароитларни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Шундай экан, юртдошларимиз ҳам фақат қонуний йўл билан ўз мақсадларига эришишга интилишлари лозим. Шундагина турли кўнгилсиз ҳодисаларга ўрин қолмайди. Фирибгарларнинг тузоғига тушиб, она Ватандан, оила бағридан олисларда сарсон-саргардон бўлмайдилар.

Ҳурматли юртдошлар! Одам савдоси инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир ва унга қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки ҳар бир фуқародан доимий огоҳлик ва ҳушёрликни, бу мудҳиш иллатга қарши курашишда ҳамжиҳатликни талаб қилади. Барчамиз огоҳ ва ҳушёр бўлайлик!

**Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ахборот хизмати**
***region.uz***

